

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**406 Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузурида
Абу Райҳон Бериуний номидаги Шарқ қўлёзмалари
маркази фаолиятини ташкил этиш ҳамда кутубхонанинг янги
биноси қурилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғри-
сида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси тузилмасини янада мақбуллаштириш ҳамда республика
академик илм-фани ва олий таълимининг интеграциясини мустаҳкамлаш чора-
тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 8 июлдаги ПҚ-2204-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси тузилмасини янада мақбуллаштириш ҳамда республика
академик илм-фани ва олий таълимининг интеграциясини мустаҳкамлаш
чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 8 июлдаги ПҚ-2204-сон қарори
билан Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузурида Абу Райҳон Бериуний
номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази (кейинги ўринларда Марказ деб

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

аталади) ташкил этилганлиги, унинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари белгиланганлиги, ташкилий тузилмаси тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Марказ давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, ўз муҳрига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилигида ҳисоб рақамларига ва банк ҳисоб рақамларига эга;

Марказ директори - Тошкент давлат шарқшунослик институтининг проректори Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғи билан белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент давлат шарқшунослик институти билан биргаликда 2014 йил 1 сентябргача бўлган мuddатда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тузилмасини янада мақбуллаштириш ҳамда республика академик илм-фани ва олий таълимининг интеграциясини мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида» 2014 йил 8 июлдаги ПҚ-2204-сон қарорига мувофиқ ўтказилаётган аттестация якунларига кўра Марказни ёш мутахассислар ҳамда қадимий шарқ қўлёзмаларини ва тарихий ҳужжатларни сақлаш ва туркумлаштириш, илмий тавсифларни тузиш ва қўлёзмаларни илмий шарҳлаб таржима қилиш соҳасида иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали илмий-педагог кадрлар билан тўлдиришда кўмаклашсинлар;

Марказга юкланган шарқ қўлёзмаларини сақлаш, каталоглаштириш ва ўрганиш билан боғлиқ вазифалардан келиб чиққан ҳолда унинг фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига, Олий таълимнинг давлат таълим стандартларига, Тошкент давлат шарқшунослик институтининг дастурлари ва ўқув режаларига ташкил этилган Марказ учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни, шу жумладан манбашунослик, матншунослик ва шарқ фалсафаси бўйича кадрлар тайёрлашни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда халқаро ташкилотлар билан биргаликда Марказ фаолияти доирасида Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича халқаро экспертлар ва маслаҳатчиларни ҳамкорликка жалб этиш ва тажриба алмашиш масаласини ишлаб чиқсинлар.

4. Марказга илмий-тадқиқот институтлари ва марказларнинг ходимларини, олий таълим муассасаларининг, шу жумладан хорижий олий таълим муассасаларининг олимлари ва ўқитувчиларини Тошкент давлат шарқшунослик институтининг катта илмий ходимлари-изланувчиларини, магистратура ва бакалавриати талабаларини шартнома асосида тадқиқотларга жалб этиш, шунингдек Марказнинг ходимларини ҳамда тадқиқотлар учун жалб этиладиган мутахассислар ва экспертларни хорижий тадқиқот марказларига ва

олий таълим муассасаларига стажировка ва ўқишга юбориш ҳуқуқи берилсин.

5. Қуйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказиладиган грант танловлари натижалари бўйича ажратиладиган маблағлар, шунингдек ташкил этиладиган Марказ кутубхонасини Шарқ қўлёзмалари фонди билан биргаликда ноёб илмий объект сифатида сақлаш учун ажратиладиган мақсадли бюджет маблағлари;

хўжалик фаолиятдан, шу жумладан ноширлик фаолиятдан тушадиган маблағлар, халқаро молиявий институтлар ва бошқа институтларнинг, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва донорлик ташкилотларининг грантлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Марказ қуйидаги манзилга жойлаштирилсин: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 81.

7. Ёзма мерос ёдгорликлари мавжудлиги ва сақланганлигини ўрганиш ҳамда уларни сақлаш жойларини туркумлаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш юзасидан иловага мувофиқ таркибда ишчи гуруҳ ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳ (А. Икрамов) ўрганиш якунлари бўйича жорий йил охиригача:

барча давлат муассасалари ва таниқли хусусий коллекциялар бўйича қўлёзмалар, тошбосма усулидаги нашрлар ва бошқа тарихий ҳужжатларнинг тўлиқ реестрини тайёрласин;

қўлёзмаларнинг тарихий-маданий ва илмий аҳамиятидан келиб чиқиб, уларнинг зарур талабларга, шу жумладан кимёвий ва бактериал очик ишлов бериш ўтказилишига, намлик ва ҳарорат режимини муайян даражада сақлашга, шунингдек тегишли меҳнат ва моддий ресурслар мавжудлигига риоя қилган ҳолда сақлаш жойларида сақланишини таъминлаш имкониятига алоҳида эътибор бериб қўлёзмаларни сақлаш жойларини тизимлаштириш юзасидан таклифлар киритсин;

сақланаётган қўлёзмаларни ва ёзма мероснинг бошқа ёдгорликларини, айниқса хусусий коллекциялардаги қўлёзмалар ва ёзма мерос ёдгорликларини доимий равишда тўлдириш, сканерлаш ва рақамлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин, уларда аҳолида сақланаётган тарихий ҳужжатларни ихтисослаштирилган давлат муассасаларига сақлаш учун топширишни рағбатлантириш чора-тадбирларини назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2016 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида Марказда сақланаётган қадимий қўлёзмаларнинг энг замонавий халқаро стандартларга мувофиқ сақланиши ва босқичма-босқич реставрация қилинишини таъминлаш учун қўшимча маблағларни, шу жумладан зарур реактивлар ва сарфлаш материаллари сотиб олиш учун маблағларни назарда тутсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси

Фанлар академияси билан биргаликда Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 81-уй манзилида Марказ кутубхонасининг янги биносини қуриш учун ер участкаси ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

10. Марказ кутубхонаси биносини қуриш бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси — буюртмачи этиб;

«ТошуйжойЛИТИ» очик акциядорлик жамияти — бош лойиҳалаштирувчи этиб;

бош пудратчи Ёмон Султонлигининг Ўзбекистондаги дипломатик миссияси томонидан буюртмачи билан биргаликда ўтказилаётган танлов натижалари бўйича белгилансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Марказнинг янги кутубхонасини қуриш ишлари бажарилишининг сифати устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси ва «Ўзметкомбинат» очик акциядорлик жамияти Марказ кутубхонаси биносини қуриш учун бош лойиҳалаштирувчининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича бош пудратчига цемент ва металл прокати бошқариладиган нархлар бўйича ажратилишини назарда тутсинлар.

13. Ваколатли тижорат банкларига Марказ кутубхонасини қуриш даврида банк операцияларини амалга оширишда Ёмон Султонлиги Элчихонасининг, буюртмачи ва пудрат ташкилотларининг Марказ кутубхонаси биносини қуриш лойиҳасини молиялаштириш учун махсус очилган ҳисоб рақамларини воситачилик йиғимлари ундирилишидан озод қилиш тавсия этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буюртманомаларига биноан Марказ кутубхонаси биносини қуриш лойиҳасини амалга оширишда иштирок этадиган хорижий мутахассисларга кўп марталик визалар бир йил муддатга консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буюртманомаларига биноан Марказ кутубхонаси биносини қуриш лойиҳасини амалга оширишда иштирок этаётган хорижий мутахассисларга кўп марталик визалар берилишини ва уларнинг муддати узайтирилишини, шунингдек уларнинг Ўзбекистон Республикасида вақтинчалик яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини давлат божларини ундирмасдан таъминласин.

16. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг буюртманомаларига биноан Марказ кутубхонаси биносини қуриш лойиҳасини амалга оширишда иштирок этаётган хорижий мутахассисларга Тошкент шаҳрининг халқаро аэропорти VIP зали орқали тўлов ундирмасдан текин хизмат кўрсатилишини белгиланган тартибда таъминласин.

17. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 7 август,
219-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 7 августдаги 219-сон қарорига
ИЛОВА

**Ёзма мерос ёдгорликлари мавжудлиги ва сақланишини
ўрганиш ҳамда уларни сақлаш жойларини тизимлаштириш
юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ
ТАРКИБИ**

Икрамов А.И.	— Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари
Абдухалимов Б.А.	— Фанлар академиясининг вице-президенти, ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари
Абдуллаев А.Х.	— «Ўзархив» агентлиги бош директори
Ходжаев А.А.	— А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси директори
Маннонов А.М.	— Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори
Мусаев А.	— Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг бошқарма бошлиғи
Ҳасанов С.Р.	— А. Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи директори
Маҳмудов Н.М.	— Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти директори
Абдуллаев Р.М.	— Фанлар академиясининг Тарих институти директори
Исмоилова Ж.Х.	— Фанлар академиясининг Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори
Исломов З.	— Тошкент ислом университети проректори
Мансуров А.	— Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари
Зиёдов Ш.	— Имом Бухорий халқаро маркази директори

Изох: ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.